

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

НУРИДДИНОВА ХУРШИДА ТОШЕВНА

**ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ ҲАВЗАСИ АСОСИЙ ТУПРОҚЛАРИ АЗОТ ФОНДИ
ВА УНИНГ ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ**

06.01.04 – Агрокимё

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on agricultural sciences

Нуриддинова Хуршида Тошевна

Чирчиқ дарёси хавзаси асосий тупроқлари азот фонди ва унинг
деҳқончилик таъсирида ўзгариши 3

Нуриддинова Хуршида Тошевна

Азотный фонд основных почв бассейна реки Чирчик и его изменения под
влиянием земледелия 21

Nuriddinova Khursdida Toshevna

Nitrogen fund in the main soils of the Chirchik river basin and its changes
under the influence of agriculture 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

НУРИДДИНОВА ХУРШИДА ТОШЕВНА

**ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ ҲАВЗАСИ АСОСИЙ ТУПРОҚЛАРИ АЗОТ ФОНДИ
ВА УНИНГ ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ**

06.01.04 – Агрокимё

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx14 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Боиров Абдунаби Жўраевич**
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Рискиева Хуршида Турсуновна**
қишлоқ хўжалик фанлари доктори

Атабаев Маъруф Махмудович
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.:(+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz)

Диссертацияси билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____даги рақамли реестр баённомаси).

Р.Қ.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

М.М.Тошқўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларга талаб йилдан-йилга ошиб бораётганлиги ва 2018 йилда таъсир этувчи модда ҳисобида 200,5 млн. тоннага етганлиги кўрсатилиб, улардан нотўғри фойдаланиш бир қатор экологик муаммоларни юзага келтириши мумкинлиги таъкидланмоқда ¹.

Дунёнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги етакчи ташкилотлари ва олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда асосий эътибор алмашлаб экиш тизимларида минерал ўғитларни самарали ва хавфсиз қўллашни таъминловчи усуллар ва технологияларни ишлаб чиқишга қаратилмоқда. Бу муаммоларни ечишда минерал ўғитларни азотнинг тупроқ ички циклига, гумус ва азотнинг тупроқдаги ва озика элементларининг “тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимидаги мувозанатига таъсирини ўрганишга алоҳида эътибор берилиб, самарали натижалари амалиётга жорий этилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз тупроқлари унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда атроф-муҳитнинг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Натижада, тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, улар унумдорлигини сақлаш ва барқарорлаштириш билан бир пайтда экинлардан режалаштирилган ҳосилни олишга эришилмоқда. Лекин, ўсимликларнинг азот билан озикланиши, тупроқ унумдорлиги ва атроф-муҳитнинг азот бирикмалари билан ифлосланишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган тупроқ азоти ички циклининг минерал ва органик ўғитлар қўллаш таъсирида ўзгаришларини ўрганишга етарлича эътибор берилмаган. Республикани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш”² муҳим стратегик вазифа қилиб белгиланган. Шу сабабли, республикаимиз тупроқлари азоти фракциявий таркибининг деҳқончиликда қўлланиладиган минерал ва органик ўғитлар таъсирида ўзгаришларини аниқлаб, бу жараёнларни мақбул бошқариш йўллари ишлаб чиқиш орқали экинлар ҳосилдорлиги, тупроқ унумдорлигини ошириш ва атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишни таъминлаш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 декабрдаги 03-12-7-сонли баёни билан тасдиқланган «2017– 2020 йилларда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш

¹www.fao.org/3/a-i4324e.pdf

²Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

воситалари билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, агрокимёвий хизматлар сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлари Дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқотлар республика фан ва технологиялар тараққиётининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитнинг муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минерал ва органик ўғитларни пахтачиликда самарали қўллаш меъёрлари, муддатлари ва усуллари П.В.Протасов, Н.П.Малинкин, М.А.Белоусов, Т.П.Мачигин, Т.П.Пирахунов, Д.С.Саттаров, Г.И.Яровенко, Н.К.Балябо, Ф.К.Кадырходжаев, А.Э.Эргашев, Б.И.Ниязалиев, азотли ўғитлар азотининг “тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимидаги мувозанати, тупроқдаги трансформацияси, ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиш коэффициенти, тупроқ азотининг минерал ва органик бирикмалари трансформацияси қонуниятлари, тупроқда азотнинг симбиотик ва носимбиотик йўллар билан тўпланиши С.Н.Рыжов, Т.П.Пирахунов, Х.Т.Рискиева, Т.Х.Хаджиев, Ф.Х.Хашимов, М.М.Ташкузиев, А.А.Кариев, А.Т.Алиев, Н.М.Ибрагимов, А.Ж.Баиров ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ўсимликларни азот билан таъминлашнинг асосий манбаи бўлган тупроқ азотининг фракциявий таркиби, унинг деҳқончилик таъсирида ўзгаришлари асосан ўтган асрда ўрганилган бўлиб, ҳозирги кунда республикада юритилаётган янги деҳқончилик тизимларида ўрганишга етарлича эътибор берилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-7-019 “Чирчиқ дарёси ҳавзаси асосий тупроқларида азотнинг минерал ва органик бирикмалари таркибининг деҳқончилик таъсирида сифат ва миқдорий ўзгаришларини ўрганиш асосида азот фондини бошқариш йўлларини ишлаб чиқиш” (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Чирчиқ дарёси ҳавзаси ўрта ва қуйи оқими тупроқлари азоти фракциявий таркибининг деҳқончилик таъсирида ўзгаришларини аниқлаш асосида тупроқ азот фондини мақбул бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Чирчиқ дарёси ҳавзаси ўрта ва қуйи оқими тупроқлари азоти фракциявий таркибига тупроқлар хусусиятлари ва ривожланиши шароитлари (денгиз сатҳидан баландлиги, қиялик экспозицияси)нинг таъсирини аниқлаш;

тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар азоти фракциявий таркибининг лалми ва суғорма деҳқончилик таъсирида ўзгаришларини ўрганиш;

“ғўза-кузги буғдой” тизимида минерал ўғитлар билан бирга органик ўғитни турли меъёрларини қўллашнинг тупроқда ҳаракатчан озика моддалари динамикаси, азотнинг фракциявий таркиби, тупроқда гумус ва азот ҳамда “тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимида азот мувозанатига таъсирини аниқлаш;

минерал ўғитлар билан бирга органик ўғитни турли меъёрларини қўллашни экинларнинг озика моддаларни ўзлаштириши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишни ҳамда атроф-муҳитни муҳофазалашни таъминловчи минерал ўғитлар билан бирга органик ўғитлар қўллашнинг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чирчиқ дарёси ҳавзаси ўрта ва қуйи оқимининг қўриқ, лалми ва суғориладиган тупроқлари, дала тажрибасида эскидан суғориладиган типик бўз тупроқ, минерал ва органик ўғитлар, ғўзанинг С-6524, кузги буғдойнинг “Замин-1” навлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети Чирчиқ дарёси ўрта ва қуйи оқими тупроқлари асосий хусусиятлари ва азотининг фракциявий таркиби, “ғўза-кузги буғдой” тизимида қўлланилган минерал ва органик ўғитларнинг турли меъёрлари, тупроқ азотининг фракциявий таркиби, тупроқда ҳаракатчан озика моддалари динамикаси, гумус ва азот мувозанати, “тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимида азот мувозанати ва экинларнинг озика элементларини ўзлаштириши ва ҳосилдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Маршрутли тадқиқотларда географик-киёсий усулдан, дала тажрибасида “Методы полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения” қўлланмасидан фойдаланилган. Тупроқ ва ўсимлик намуналарининг кимёвий таҳлиллари “Агрохимические методы исследования почв”, “Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии”, “Руководство по химическому анализу почв” қўлланмалари асосида, тупроқ азотининг фракциявий таркиби Воробёв усулининг Шконде ва Королева модификациясида бажарилган. Маълумотлар “Microsoft Excel” дастурида Б.А.Доспехов услуби бўйича статистик ва дисперсион таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ҳавза ўрта ва қуйи оқими тупроқлари азоти фракциявий таркибига тупроқлар хусусиятлари ва ривожланиши шароитлари (жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги ва қиялик экспозицияси)нинг таъсири аниқланган;

тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар азот фонди ва унинг фракциявий таркибининг деҳқончилик таъсирида ўзгаришлари аниқланган;

“ғўза-кузги буғдой” тизимида минерал ўғитлар билан бирга гўнгниг турли меъёрларининг тупроқ азот фондига, “тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимида азот мувозанатига таъсири аниқланган;

ушбу тизимда минерал ўғитлар билан бирга қўлланилган гўнгниг тупроқда гумус ва азотнинг дефицитсиз ва ижобий мувозанатини ҳамда

экинларнинг юқори ҳосилдорлигини таъминловчи мақбул меъёрлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Суғориладиган тупроқлар унумдорлиги ва “ғўза-кузги буғдой” тизимида экинлар ҳосилдорлигини таъминлашда минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар” ишлаб чиқилган;

“ғўза-кузги буғдой” тизимида минерал ўғитлар билан бирга биринчи йилда 10 т/га гўнг ғўзага ва 3 йилда 10 т/га кузги буғдойга қўлланилганда ўртача пахта ҳосили 37,7 ц/га. ни ташкил этиб, фақат минерал ўғитлар берилган вариантга нисбатан қўшимча 4,2 ц/га, кузги буғдойнинг дон ҳосили 64,1 ц/га. ни ташкил этиб, қўшимча 7,9 ц/га ҳосил олиниши, 3 йил охирида тупроқда гумус ва азотнинг ҳамда “тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимида азотнинг ижобий мувозанатига эришилиши исботланган;

минерал ўғитлар билан бирга биринчи йилда 5 т/га гўнг ғўзага ва 3 йилда 5 т/га кузги буғдойга қўлланилганда, экинлар ҳосилдорлиги ошиши билан бирга тупроқда гумус ва азотнинг ҳамда “тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимида азотнинг дефицитсиз мувозанатига эришилиши, бунда қўшимча пахта ҳосили 3,15 ц/га. ни, кузги буғдойнинг қўшимча дон ҳосили 5,0 ц/га. ни ташкил этиши исботланган;

Чирчиқ дарёси ўрта ва қуйи оқими тупроқлари азоти фракциявий таркибининг деҳқончилик таъсирида ўзгаришлари тўғрисида янги маълумотлар олинган, бу маълумотлар ушбу тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва уларни муҳофазалашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларнинг умум қабул қилинган усуллар асосида бажарилганлиги, олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг узвий боғлиқлиги, тадқиқотларда олинган маълумотлар маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва ҳалқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамиятини “ғўза-кузги буғдой” тизимида минерал ўғитлар билан бирга гўнгни турли меъёрларини қўллашнинг тупроқда гумус ва азотнинг, “тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимида азотнинг мувозанати ва тупроқ азоти фракциялари миқдорлари ўзгаришига, экинларнинг озиқа элементларини ўзлаштириши ва ҳосилдорлигига таъсири ҳамда Чирчиқ дарёси ўрта ва қуйи оқими тупроқлари азоти фракциявий таркибининг деҳқончилик таъсирида ўзгаришлари тўғрисида олинган маълумотлар белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “ғўза-кузги буғдой” тизимида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда экинларнинг

ноқори ҳосилдорлигини таъминловчи минерал ва органик ўғитларни бирга қўллашнинг мақбул меъёрлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чирчиқ дарёси хавзаси асосий тупроқлари азоти фракциявий таркибининг деҳқончилик таъсирида ўзгаришлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

“Суғориладиган тупроқлар унумдорлиги ва “ғўза-кузги буғдой” тизимида экинлар ҳосилдорлигини таъминлашда минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар” қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 3 июлдаги 07/023-178- сонли маълумотномаси). Натижада фермер хўжаликлари тупроқларининг агрокимёвий хусусиятларини ҳамда ғўза ва кузги буғдойнинг ўсиб-ривожланиши яхшиланишига эришилган;

тупроқда гумус ва азотнинг ижобий мувозанатини таъминловчи минерал ва органик ўғитларни биргаликда қўллаш тадбири Тошкент вилоятининг Бўка туманида 52 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 3 июлдаги 07/023-178-сонли маълумотномаси). Натижада фермер хўжаликларида қўшимча 4,1– 4,8 ц/га пахта ҳосили, кузги буғдойдан қўшимча 5,8– 6,5 ц/га дон ҳосили олишга ҳамда фермер хўжаликлари ер майдонлари тупроқларини гумус ва азотга бойитишга эришилган;

минерал ва органик ўғитларни биргаликда қўллашнинг тавсия этилган мақбул меъёрлари Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани фермер хўжаликларининг 22 гектар ер майдонларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 3 июлдаги 07/023-178-сонли маълумотномаси). Натижада фермер хўжаликлари тупроқлари унумдорлигини сақлаган ҳолда, қўшимча 3,7– 4,4 ц/га пахта ҳосили, кузги буғдойдан қўшимча 5,3– 6,6 ц/га дон ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотлар натижалари жами 9 та, жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий мақола чоп этилган. Жумладан, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети

тавсифланган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида азот муаммоларини ўрганиш борасидаги маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар натижалари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида минерал ва органик ўғитлар қўллаш ва тупроқ азот фондини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар натижалари, тупроқ азотининг фракциявий таркибига таъсир этувчи табиий ва антропоген омиллар, тупроқлардан кўп йиллар давомида фойдаланишнинг тупроқ азоти фракцияларига таъсири, тупроқда гумус ва азот, алмашлаб экиш тизимларида асосий озика элементлари мувозанати, республикада деҳқончилигида минерал ва органик ўғитлар қўллаш масалалари тўғрисида батафсил маълумотлар таҳлил қилинган. Республикада азот муаммоларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар кўп ўтказилганлигига қарамадан, тупроқ азоти фракциявий таркибининг табиий омиллар ва “ғўза-кузги буғдой” тизимлари таъсирида ўзгаришларини ўрганишга етарлича эътибор берилмаганлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотларнинг тупроқ-иқлимий ва услубий шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган Чирчиқ дарёси ҳавзасининг тупроқ-иқлимий шароитлари, тадқиқот услублари ва дала тажрибаси шароитлари келтирилган. Маршрутли тупроқ географик-қиёсий тадқиқотлар Чирчиқ дарёсининг ўрта ва қуйи оқими тупроқлари: тоғ жигар ранг, тўқ тусли ва типик бўз, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи тупроқларда Тошкент вилоятининг тупроқ картаси асосида аниқланган типик майдонларда, дала тажрибаси эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларда, “ғўза-кузги буғдой” тизимида ғўзанинг С-6524 (2012–2013 йй.) ва кузги буғдойнинг “Замин-1” (2014 йй.) навларида ўтказилганлиги кўрсатилган.

Дала тажрибасида 1) $N_0P_0K_0$ – ўғитсиз назорат; 2) ғўзада $P_{140}K_{100}$, кузги буғдойда $P_{90}K_{60}$; 3) ғўзада $N_{200}P_{140}K_{100}$ - ФОН, кузги буғдойда $N_{180}P_{90}K_{60}$ -ФОН; 4) ФОН+5 т/га гўнг (2,5 т/га 1 йил ғўзага, 2,5 т/га 3-йилда кузги буғдойга); 5) ФОН+10 т/га гўнг (5 т/га 1 йил ғўзага, 5 т/га 3-йилда кузги буғдойга); 6) ФОН+20 т/га гўнг (10 т/га 1 йил ғўзага, 10 т/га 3-йилда кузги буғдойга) вариантлари ўрганилган.

Дала тажрибаси 4 қайтарилишда ўтказилган. Пайкаллар майдони 288 м², шундан 144 м² ҳисобга олинувчи майдон. Тажрибада органик ўғит сифатида ярим чириган қорамол гўнги, минерал ўғитлар эса аммиакли селитра, аммофос ва калий тузи шаклларида қўлланилган. Аммофос таркибидаги азот миқдори ҳисобга олинган. Гўнг ғўза учун 2011 йил, кузги буғдой учун 2013 йил шудгор остига қўлланилган.

Ғўза ва кузги буғдойнинг вегетацияси даврида тупроқнинг ҳайдалма ва ҳайдов ости қатламларида ҳаракатчан озика моддалари динамикаси ҳамда

экинларнинг ўсиб-ривожланиши давларида фенологик кузатувлар амалга оширилган. Экинлар вегетацияси охирида ҳар бир вариант тупроғининг 0–30; 30–50; 50–70 ва 70–100 см қатламларида гумус, умумий азот, фосфор, калий миқдорлари ҳамда азотнинг фракциявий таркиби ҳамда ўсимлик органларида умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари аниқланган. Ёўза ва кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги ҳар бир вариант ва қайтариқлар бўйича ҳисобга олинган. Тупроқ ва ўсимлик намуналарининг барча кимёвий таҳлиллари умум қабул қилинган услубий қўлланмалар асосида бажарилган.

Диссертациянинг “**Чирчиқ дарёси ҳавзаси асосий тупроқлари азотининг фракциявий таркиби**” деб номланган учинчи бобида ҳавза тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз, кўриқ, лалми ва суғориладиган типик бўз ҳамда суғориладиган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари, улар азоти фракциявий таркибининг табиий омиллар (денгиз сатҳидан баландлиги, қиялик экспозицияси) ва деҳқончилик таъсирида ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тоғ жигарранг, тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар азотининг фракциявий таркиби шаклланишига табиий шароитлар ва тупроқларнинг асосий хосса-хусусиятлари кучли таъсир кўрсатади. Тоғ жигарранг тупроқларидан тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар томон умумий азот миқдори ҳамда унинг фракциялари миқдори камайиб боради. Ушбу тупроқлар азоти фракцияларининг асосий қисмини гидролизланмайдиган фракция ташкил этади. Фракциялар миқдори эса гидролизланмайдиган азотдан қийин гидролизланадиган, осон гидролизланадиган ва минерал азот томон камайиб боради (1-жадвал).

1-жадвал

Тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлар азотининг фракциявий таркиби

Кесма №	Чуқурлик, см	Минерал азот		Осон гидролизланадиган азот		Қийин гидролизланадиган азот		Гидролизланмайдиган азот		Умумий азот	
		мг/кг	%	мг/кг	%	мг/кг	%	мг/кг	%	мг/кг	%
<i>Тоғ жигар ранг тупроқлари</i>											
К-1-01 шимолий экспозиция	0-6	168	3,7	216	4,7	966	21,1	3220	70,5	4570	100
	6-26	122	5,6	126,0	5,8	350	16,2	1562	72,3	2160	100
	26-35	96	10,7	117,0	13,0	162,4	18,0	524,6	58,3	900	100
К-11-02 шарқий экспозиция	0-5	160	4,9	202,0	6,2	579,6	17,7	2338,4	71,3	3280	100
	5-15	154	6,1	120,0	4,8	540	21,4	1706	67,7	2520	100
	15-35	61,6	3,3	101,0	5,4	492,8	26,5	1204,6	64,8	1860	100
К-11-03 жанубий экспозиция	0-5	140	6,4	179,2	8,2	546	24,9	1324,8	60,5	2190	100
	5-19	120	7,3	112,4	6,8	512,4	31,0	906	54,9	1650,8	100
	19-45	76,0	7,4	106,4	10,3	283	27,5	565,2	54,8	1030,6	100
<i>Тўқ тусли бўз тупроқ</i>											
К-12-06	0-5	131,6	5,59	134,4	5,71	432,2	18,4	1654	70,3	2352	100
	5-34	53,2	5,53	92,4	9,6	266,8	27,7	549,6	57,0	962	100

Типик бўз тупроқлар азоти асосан органик бирикмалар таркибида бўлиб, ўсимликлар ўзлаштираоладиган минерал азот миқдори жуда кам. Айни пайтда кўриқ ва лалми тупроқлардан суғориладиган тупроқлар томон

минерал азотнинг умумий азотдаги улуши ортиб боради. Бу тупроқлардан деҳқончиликда фойдаланиш натижасида тупроқ азоти ва унинг фракциялари кесма бўйлаб қайта тақсимланади. Лалми тупроқлар ҳайдалма қатламида умумий азот ва унинг фракциялари миқдори чим қатламига нисбатан кескин камайишига қарамасдан, ҳайдалма қатлам қалинлиги чим қатламга нисбатан бир неча баробар ортиқлиги натижасида, умумий азот ва унинг фракциялари миқдори, ҳайдалма ерларда, қўриқнинг лойихавий ҳайдалма қатламига нисбатан кўплиги кузатилади.

Янгидан суғориладиган типик бўз тупроқларда умумий азот ва унинг фракциялари миқдори лалми тупроқларга нисбатан маълум даражада кўплиги билан тавсифланади. Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар умумий азот ҳамда азотнинг қарийб барча фракциялари миқдори бўйича типик бўз тупроқларнинг қўриқ, лалми ва янгидан суғориладиганларидан устун туради. Бу ҳолатни эскидан суғориладиган тупроқларда узоқ йиллар давомида қўлланилган агротехник ва агрокимёвий тадбирлар, жумладан, органик ва минерал ўғитлар қўллаш натижаси деб изоҳланиши мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Типик бўз тупроқлар азоти фракциявий таркибининг лалми ва суғорма деҳқончилик таъсирида ўзгариши

Кесма №	Чуқурлик, см	Минерал азот		Осон гидролизланадиган азот		Қийин гидролизланадиган азот		Гидролизланмайдиган азот		Умумий азот	
		мг/кг	%	мг/кг	%	мг/кг	%	мг/кг	%	мг/кг	%
<i>Қўриқ типик бўз тупроқ</i>											
К-02-13	0-26 (ў.а)*	22,9	2,32	122,0	12,4	217,7	22,0	624,7	63,3	987,3	100
<i>Лалмикор типик бўз тупроқ</i>											
К-03-13	0-21	31,2	2,78	120,4	10,7	236	21,0	736,4	65,5	1124	100
<i>Янгидан суғориладиган типик бўз тупроқ</i>											
К-01-13	0-26	39,2	3,57	116,7	10,7	238,9	21,8	700,1	64,0	1095	100
<i>Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқ</i>											
К-09-12	0-28	61,6	5,37	93,6	8,15	285,0	24,8	707,8	61,7	1148	100

*- ўртача арифметик қиймат.

Эскидан суғориладиган ўтлоқи ва бўз-ўтлоқи тупроқлар суғориладиган типик бўз тупроқларга нисбатан умумий азотга бойлиги билан фарқланади. Ушбу тупроқлар азотининг асосий қисмини гидролизланмайдиган фракция ташкил этади. Фракциялар миқдори эса гидролизланмайдиган азотдан қийин гидролизланадиган, осон гидролизланадиган ва минерал азот томон камайиб боради.

Эскидан суғориладиган ўтлоқи ва бўз-ўтлоқи тупроқлар суғориладиган типик бўз тупроқларга нисбатан гидролизланмайдиган азотнинг умумий азотдаги улуши кўплиги, қийин гидролизланадиган, осон гидролизланадиган ва минерал азотнинг улуши камлиги билан фарқ қилади (3-жадвал).

Эскидан суғориладиган автоморф ва ярим гидроморф, гидроморф тупроқлар азотининг фракциявий таркиби

Кесма №	Чуқурлик, см	Минерал азот		Осон гидролизланадиган азот		Қийин гидролизланадиган азот		Гидролизланмайдиган азот		Умумий азот	
		мг/кг г	%	мг/кг	%	мг/кг	%	мг/кг	%	мг/кг	%
<i>Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқ (Тошкент вилояти Зангиота тумани)</i>											
К-09-12	0-28	61,6	5,37	93,6	8,15	285,0	24,8	707,8	61,7	1148	100
<i>Эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқ (Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани)</i>											
К-03-14	0-22	32,2	2,44	107,4	8,14	306,8	23,2	873,6	66,2	1320	100
<i>Эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқ (Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани)</i>											
К-01-14	0-27	30,8	1,72	117,6	6,57	305,2	17,1	1336,4	74,7	1790	100
К-02-14	0-32	28,4	1,49	92,4	4,86	271,6	14,3	1507,6	79,35	1900	100
<i>Эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқ (Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани)</i>											
К-04-14	0-28	36,4	2,21	120,4	7,30	313,6	19,0	1179,6	71,49	1650	100

Диссертациянинг “Ўза-кузги буғдой” тизимида минерал ўғитлар билан бирга органик ўғит қўллашнинг тупроқ азотининг фракциявий таркиби, экинларнинг озиқа элементларини ўзлаштириши ва ҳосилдорлигига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида тажриба майдонининг дастлабки агрохимёвий хоссалари, “Ўза-кузги буғдой” тизимида минерал ўғитлар билан бирга органик ўғит қўллашнинг тупроқда асосий озиқа элементлари ҳаракатчан шакллари миқдори динамикасига, тупроқ азотининг фракциявий таркиби, тупроқда гумус ва азот мувозанати, экинларнинг озиқа элементларини ўзлаштириши, ҳосил бирлигини шакллантириш учун сарфлаши, “тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимида азот мувозанати ва ҳосилдорлигига таъсири тўғрисидаги маълумотлар келтирилган ва уларнинг таҳлили берилган.

Тажриба майдони тупроғи ўрта қумоқ механик таркибли, шўрланмаган. Тупроқнинг ҳайдалма ва ҳайдов ости қатламларида гумус миқдори, тегишлича, 1,40 ва 0,97 фоизни ташкил этди. Азотнинг умумий миқдори, тегишлича, 0,115 ва 0,094%, фосфорнинг умумий миқдори 0,188 ва 0,178%, калийнинг умумий миқдори 2,25 ва 2,15 фоиздан иборат.

Ўзанинг шоналаш ва гуллаш давларида $N_{200}P_{140}K_{100}$ ва минерал ўғитлар билан бирга гўнг қўлланилган вариантларда асосий озиқа элементларининг ўсимликлар ўзлаштираоладиган шакллари миқдори фақат минерал ўғитлар қўлланилган вариантдан улар билан бирга гўнг қўлланилган вариантлар томон, гўнг меъёрига боғлиқ равишда ошиб борди.

“Ўза-кузги буғдой” тизимида минерал ўғитлар қўллаш тупроқ азотининг минерал ва осон гидролизланувчи фракциялари миқдори ошишига олиб келди, минерал ўғитлар фонида гўнг қўллаш эса гўнг меъёрига боғлиқ равишда барча фракциялар миқдорини кўпайтирди (1-расм).



1-расм. Минерал ва органик ўғитлар таъсирида азот фракциялари миқдорининг ўзгариши

Тажрибанинг учинчи йили охирида фақат минерал ўғитлар қўлланилган вариантнинг ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида умумий азотнинг дефицити $-53,8$ кг/га. ни ташкил этишига қарамасдан, минерал ва осон гидролизланувчи азот захиралари ижобий мувозанатга эга бўлган. Қийин гидролизланадиган азот захиралари дефицитли, гидролизланмайдиган азот захиралари қарийб ўзгармаган. Айни пайтда, 0–50 см. ли қатламда азотнинг энг кўп камайиши ($-59,8$ кг/га) қийин гидролизланадиган азотда кузатилган, бунда унинг асосий қисми, ҳайдов қатламига тўғри келган. Гидролизланмайдиган азот захираларида камайиш сезиларли бўлмасдан, ҳайдов қатламида $-5,4$ кг/га. ни ва ҳайдов ости қатламида $-0,5$ кг/га. ни ташкил этган.

Экинлар вегетацияси даврида минерал ўғитлар билан бирга 5 т/га гўнг қўлланилганда ҳам тупроқнинг 0–50 см. ли қатламда умумий азот мувозанати дефицитли бўлган. Бунда, тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида минерал ва осон гидролизланувчи азот ижобий мувозанатга, қийин гидролизланадиган азот эса дефицитли, гидролизланмайдиган азот мувозанати эса қарийб ўзгармаган.

Гўнгни минерал ўғитлар билан бирга 10 т/га меъёрида қўллаш умумий азотнинг дефицитсиз мувозанатини таъминлаган. Бу ҳолат асосан минерал ва осон гидролизланадиган азот захиралари кўпайиши ҳисобига юзага келади. Қийин гидролизланадиган ва гидролизланмайдиган азот захиралари эса фақат бироз кўпаяди. Гўнг минерал ўғитлар билан бирга 20 т/га меъёрида қўлланилганда умумий азот ва унинг барча фракциялари мувозанати ижобий бўлган (4-жадвал).

Тажрибанинг 3-йилида фақат минерал ўғитлар ва улар билан бирга 5 т/га меъёрида гўнг қўлланилганда тупроқда гумус ва азот захиралари уларнинг дастлабки миқдорига нисбатан кам бўлди. Минерал ўғитлар билан бирга гўнг 10 т/га меъёрида қўлланилганда тупроқда гумус ва азот мувозанати дефицитсиз, минерал ўғитлар билан бирга гўнг 20 т/га меъёрида қўлланилганда гумус ва азот мувозанати ижобий бўлган (5-жадвал).

4-жадвал

“Ѓўза-кузги бугдой” тизимида тупроқда азотнинг умумий ва фракциялари захиралари мувозанати, кг/га, (3-йил)

Вариантлар	Чуқурлик, см	Азот				
		умумий	минерал	органик		
				осон гидролизланадиган	кийин гидролизланадиган	Гидролизланмайдиган
Дастлабки захира	0-30	4408,3	138,2	378,6	1173,5	2718,0
	30-50	2556,8	60,1	213,2	616,1	1667,4
	0-50	6965,1	198,3	591,8	1789,6	4385,4
<i>Таъриба охирида азот захиралари мувозанати (±)</i>						
N ₀ P ₀ K ₀	0-30	-99,8	-35,7	-11,5	-46,5	-6,1
	30-50	-13,6	-0,3	-8,2	-3,5	-1,6
	0-50	-113,4	-36	-19,7	-50	-7,7
P K	0-30	-122,9	-23,8	-20,4	-73,7	-5
	30-50	-13,6	0	-4,4	-1,9	-7,3
	0-50	-136,5	-23,8	-24,8	-75,6	-12,3
NPK	0-30	-53,8	+7,7	+2,3	-58,4	-5,4
	30-50	+8,2	+5,2	+4,9	-1,4	-0,5
	0-50	-45,6	+12,9	+7,2	-59,8	-5,9
NPK+5 т/га ғўнг	0-30	-23	+9,6	0	-27,6	-5
	30-50	+16,3	+10,6	+4,4	+0,8	+0,5
	0-50	-6,7	+20,2	+4,4	-26,8	-4,5
NPK+10 т/га ғўнг	0-30	+19,2	+16,5	+1,9	+0,4	+0,4
	30-50	+19	+10,6	+5,2	+1,4	+1,9
	0-50	+38,2	+27,1	+7,1	+1,8	+2,3
NPK+20 т/га ғўнг	0-30	+53,8	+24,2	+14,6	+3,8	+11,1
	30-50	+27,2	+18,8	+1,6	+4,1	+2,7
	0-50	+81	+43	+16,2	+7,9	+13,8

5-жадвал

Ўғитлар таъсирида тупроқда гумус ва азот захираларининг ўзгариши

Вариантлар №	Чуқурлик, см	Дастлабки захира		Таъриба охирида (3-йил)		Фарқи, ±	
		Гумус, т/га*	Азот, т/га*	Гумус, т/га*	Азот, т/га*	Гумус, кг/га	Азот, кг/га
1	0-30	53,76	4,41	52,99	4,31	-768	-99,8
	0-100	134,28	11,84	133,24	11,71	-1040	-122,8
2	0-30	53,76	4,41	52,99	4,29	-768	-122,9
	0-100	134,28	11,84	133,51	11,70	-768	-136,5
3	0-30	53,76	4,41	53,49	4,35	-268,8	-53,8
	0-100	134,28	11,84	134,01	11,78	-268,8	-40,2
4	0-30	53,76	4,41	53,72	4,39	-38,4	-23
	0-100	134,28	11,84	134,24	11,83	-38,4	-6,7
5	0-30	53,76	4,41	54,14	4,43	384	19,2
	0-100	134,28	11,84	134,94	11,86	656	38,2
6	0-30	53,76	4,41	54,91	4,46	1152	53,8
	0-100	134,28	11,84	135,70	11,91	1424	81

* - қаср сонлар 0,01 қийматигача умумлаштириб берилган

Фақат минерал ўғитлар (NPK) қўлланилганда ғўза ўсимлиги томонидан азот, фосфор ва калийнинг ўзлаштирилган миқдори, тегишлича

179,17; 49,7 ва 154,9 кг/га. ни ташкил этган. Минерал ўғитлар билан бирга гўнг 2,5 т/га меъёрида берилганда озика элементларининг ўзлаштирилиши бироз кўпайиши (182,97; 58 ва 158,3 кг/га) кузатилган. Гўнг 5 т/га меъёрида берилганда, озика элементларининг ўзлаштирилиши янада ошиб, тегишлича 186,3; 61,0 ва 166,8 кг/га. ни ташкил этган. Энг юқори кўрсаткичларга (тегишлича 187,39; 63,7 ва 166,1 кг/га) гўнг меъёри 10 т/га бўлганда эришилган Минерал ўғитлар қўлланилган вариантда 1 тонна пахта ҳосили шакллантириш учун азот – 53,32 кг/га, фосфор – 14,79 кг/га, калий – 46,1 кг/га меъёрида сарфланиб, гўнг қўлланилган вариантларда, унинг меъёрига боғлиқ равишда азот ва калийнинг сарфланиши камайиши, фосфор сарфи эса кўпайиши кузатилган (6-жадвал).

6-жадвал

Асосий озика элементларининг гўза ўсимлиги томонидан умумий ўзлаштирилиши ва 1 тонна пахта ҳосили етиштириш учун сарфланиши, кг/га

Вариантлар	Озика элементларининг олиб чиқирилиши, кг/га			1 тонна пахта етиштириш учун сарфланиш миқдори, кг		
	N	P	K	N	P	K
N ₀ P ₀ K ₀	51,31	17,3	53,3	37,18	12,64	38,62
P ₁₄₀ K ₁₀₀	70,73	23,8	72,4	38,86	13,08	39,78
N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ - ФОН	179,17	49,7	154,9	53,32	14,79	46,10
ФОН+2,5 т/га гўнг	182,97	58	158,3	50,54	16,02	43,73
ФОН + 5 т/га гўнг	186,3	61	166,8	50,08	16,40	44,84
ФОН+ 10 т/га гўнг	187,39	63,7	166,1	49,18	16,72	43,60

Пахта хомашёсининг энг юқори ҳосилига, ўрта ҳисобда икки йилда, минерал ўғитлар (NPK) билан бирга 10 т/га гўнг берилганда эришилган. Бу вариантдаги икки йиллик ўртача пахта ҳосили 37,7 ц/га. ни ташкил этиб, фақат минерал ўғитлар (NPK) берилган вариантга нисбатан гектарига 4,2 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган (7-жадвал).

7-жадвал.

Ўғитларнинг гўза ҳосилдорлигига таъсири, (ўртача 2 йиллик)

Вариантлар	Ҳосилдорлик, ц/га	Назоратга нисбатан қўшимча ҳосил, ц/га	Азотли ўғит ва гўнг қўллашдан олинган қўшимча ҳосил, ц/га	Гўнг қўллашдан олинган қўшимча ҳосил, ц/га
N ₀ P ₀ K ₀	13,9	-	-	-
P ₁₄₀ K ₁₀₀	18,4	4,5	-	-
N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ - ФОН	33,5	19,6	15,1*	-
ФОН+2,5 т/га гўнг	35,7	21,8	17,3	2,2
ФОН + 5 т/га гўнг	36,65	22,75	18,25	3,15
ФОН+ 10 т/га гўнг	37,7	23,8	19,3	4,2
ЭКИФ ₀₅ 2012 й.				1,16
ЭКИФ ₀₅ 2013 й.				1,42

*- азотли ўғит қўллашдан олинган қўшимча ҳосил

Гўнг меъёри 5 т/га бўлганда қўшимча пахта ҳосили гектарига 3,15 центнерни, гўнг меъёри 2,5 т/га бўлганда эса гектарига 2,2 центнерни ташкил

этган. Энг кам ҳосилдорлик умуман ўғит берилмаган ва фақат фосфорли ва калийли ўғитлар берилган вариантларда кузатилган. Бу вариантлардаги пахта ҳосили гектарига, тегишлича, 14,4 ва 18,9 центнерни ташкил этган.

Кузги буғдой томонидан асосий озика элементларининг энг кўп ўзлаштирилиши гўнг берилган вариантларда кузатилган. Бунда, энг юқори кўрсаткичлар NPK + 20 т/га гўнг вариантыда кузатилган. Бу вариантда ўсимликлар томонидан умумий ўзлаштирилган азотнинг миқдори 222,84 кг/га, фосфор ва калийнинг миқдорлари, тегишлича, 91,66 ва 140,80 кг/га. ни ташкил этган. Гўнг қўлланилган вариантлар орасида энг кам кўрсаткич (тегишлича 202,35; 80,16; 127,54 кг/га) 5 т/га гўнг қўлланилган вариантда, ўртачаси (211,86; 84,69; 134,69 кг/га) эса 10 т/га гўнг қўлланилган вариантда кузатилган. Фақат минерал ўғитлар (NPK) берилган вариантда азот, фосфор ва калийнинг ўзлаштирилиши, тегишлича, 193,19; 76,02; 118,70 кг/га. ни ташкил этган. Фақат фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилган ҳамда умуман ўғит берилмаган вариантларда, бу кўрсаткичлар тегишлича 118,15; 51,81; 84,66 ва 103,65; 44,40; 73,08 кг/га. дан иборат бўлган (8-жадвал).

8-жадвал

Асосий озика элементларининг кузги буғдой ўсимлиги томонидан умумий ўзлаштирилиши ва органларида тақсимланиши, кг/га

Вариантлар	Озика элементлари ўзлаштирилган			Шу ҳисобдан:					
				Илдиз ,поя, барг, дон пўчоғида			Донда		
	N	P	K	N	P	K	N	P	K
N ₀ P ₀ K ₀	103,65	44,40	73,08	38,21	18,32	65,38	65,44	26,08	7,70
PK	118,15	51,81	84,66	45,57	21,86	75,58	72,58	29,96	9,08
NPK	193,19	76,02	118,70	79,28	31,79	105,98	113,91	44,23	12,72
NPK + 5 т/га гўнг	202,35	80,16	127,54	86,18	34,87	114,07	116,17	45,29	13,47
NPK + 10 т/га гўнг	211,86	84,69	134,69	92,43	37,03	120,05	119,43	47,66	14,64
NPK + 20 т/га гўнг	222,84	91,66	140,80	98,01	39,08	125,61	124,83	52,58	15,19

Кузги буғдойнинг энг юқори ҳосилдорлигига минерал ўғитлар (NPK) билан бирга 20 т/га меъёрида гўнг қўлланилган вариантда эришилган. Бу вариантдаги дон ҳосили 64,1 ц/га бўлиб, фақат минерал ўғитлар қўлланилган вариантга нисбатан қўшимча ҳосил 7,9 ц/га. ни ташкил этган. Гўнг 10 ва 5 т/га меъёрларида қўлланилган вариантларда ҳосилдорлик тегишлича 61,2 ва 59,4 ц/га. ни ташкил этиб, фақат минерал ўғитлар қўлланилган вариантга нисбатан тегишлича 5,0 ва 3,2 ц/га қўшимча ҳосил олинган (9-жадвал).

Ўғитларнинг кузги буғдой дон ҳосилига таъсири, ц/га

Вариантлар	Ҳосилдорлик	Назоратга нисбатан қўшимча ҳосил	Азотли ўғит ва гўнг қўллашдан олинган қўшимча ҳосил	Гўнг қўллашдан олинган қўшимча ҳосил
N ₀ P ₀ K ₀	32,3	-	-	-
PK	44,6	12,3	-	-
NPК	56,2	23,9	11,6	-
NPК + 5 т/га гўнг	59,4	27,1	14,8	3,2
NPК + 10 т/га гўнг	61,2	28,9	16,6	5,0
NPК + 20 т/га гўнг	64,1	31,8	19,5	7,9
ЭКИФ ₀₅				2,0

“Гўза-кузги буғдой” тизимида фақат минерал ўғитлар (NPК) берилган вариантда уч йилда азотнинг дефицити -11,32 кг/га. ни (кирим 659,76 кг/га, чиқим 671,08 кг/га), минерал ўғитлар билан бирга гўнг 5 т/га меъёрида қўлланилганда азот дефицити (кирим 683,42 кг/га, чиқим 685,77 кг/га, дефицит -2,35 кг/га) камайган, лекин, мувозанат салбий бўлган. Минерал ўғитлар билан бирга гўнг 10 т/га меъёрида берилганда азот мувозанати +5,28 кг/га (кирим 705,7 кг/га, чиқим 700,42 кг/га) ни, 20 т/га меъёрида берилганда эса +27,04 кг/га. ни (кирим 747,57 кг/га, чиқим 720,53 кг/га) ташкил этиб, бу вариантларда азот мувозанати тегишлича дефицитсиз ва ижобий бўлган (10-жадвал).

“Тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизимида азот мувозанати, кг/га

Вариантлар	Кирим			Чиқим			Жами		Мувозанат
	2012	2013	2014	2012	2013	2014	кирим	чиқим	
	ғўза	ғўза	Кузги буғдой	ғўза	ғўза	Кузги буғдой			
N ₀ P ₀ K ₀	14,19	14,09	20,2	39,71	39,88	77,89	48,48	157,48	-109
PK	15,39	15,17	22,4	55,89	54,61	86,69	52,96	197,19	-144,23
NPК	224	223,26	212,5	227,63	224,19	219,26	659,76	671,08	-11,32
NPК +5 т/га гўнг	234,11	223,31	226	234,1	225,46	226,21	683,42	685,77	-2,35
NPК + 10 т/га гўнг	244,28	223,42	238	239,97	226,39	234,06	705,7	700,42	5,28
NPК + 20 т/га гўнг	264,39	223,58	259,6	246,8	227,95	245,78	747,57	720,53	27,04

Диссертациянинг “Гўза-кузги буғдой” тизимида минерал ўғитлар билан бирга органик ўғит қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бешинчи бобида суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитларида “Гўза-кузги буғдой” тизимида минерал ва органик ўғитларнинг турли меъёрларини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, фақат минерал ўғитлар (NPK) берилганда пахта ҳосили икки йилда ўртача 33,5 ц/га. ни, шартли соф фойда гектарига 1494861,3 сўмни, рентабеллик даражаси 26,6 фоизни ташкил этган. Буғдой дон ҳосили эса 56,2 ц/га. ни, шартли соф фойда гектарига 721656,2 сўмни, рентабеллик даражаси 40,3 фоизни ташкил этган.

Минерал ўғитлар билан бирга 2,5 т/га гўнг қўлланилганда пахта ҳосили 35,7 ц/га. ни, шартли соф фойда 1836436,86 сўмни, рентабеллик даражаси 32,0 фоизни ташкил этган. Минерал ўғитлар билан бирга 5 ва 10 т/га гўнг қўлланилганда пахта ҳосили тегишлича 2 йилда ўртача 36,65 ва 37,7 ц/га. Ни, шартли соф фойда гектарига тегишлича 1912913 ва 1885596 сўмни, рентабеллик даражалари эса 32,6 ва 30,9 фоизни ташкил этган.

Минерал ўғитлар билан бирга 2,5 т/га гўнг қўлланилганда буғдой дон ҳосили 59,4 ц/га. ни, шартли соф фойда гектарига 739779,4 сўмни, рентабеллик даражаси 38,6 фоизни ташкил этган. Минерал ўғитлар билан бирга 5 ва 10 т/га гўнг қўлланилганда буғдой дон ҳосили, тегишлича, 61,2 ва 64,1 ц/га ни, гектарига шартли соф фойда, тегишлича, 695286,2 ва 574991,6 сўмни, рентабеллик даражаси эса 34,1 ва 25,1 фоизни ташкил этган.

ХУЛОСАЛАР

1. Тоғ жигарранг, тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар азотининг умумий миқдори жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги, қиялик экспозицияси ҳамда тупроқ хусусиятларига боғлиқ бўлиб, тоғ жигарранг тупроқларидан тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар томон камайиб боради. Шимолий экспозиция тупроқлари жанубий экспозиция тупроқларига нисбатан азот ва унинг фракцияларига бойлиги билан ажралиб туради. Шарқий экспозиция тупроқлари эса бу кўрсаткичлар бўйича оралик ўринни эгаллайди. Бу маълумотлар ушбу тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва уларни муҳофазалаш тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради.

2. Тўқ тусли ва типик бўз тупроқлардан деҳқончиликда фойдаланиш натижасида азот бирикмалари тупроқ кесмаси бўйлаб қайта тақсимланади. Типик бўз тупроқлар азоти ва унинг фракциялари миқдори кўрик тупроқлардан лалми, янгидан суғориладиган ва эскидан суғориладиган тупроқлар томон ошиб боради.

3. Суғориладиган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлар азоти суғориладиган типик бўз тупроқларга нисбатан умумий азот, гидролизланмайдиган ва қийин гидролизланадиган фракциялар миқдори кўплиги билан фарқ қилади. Бўз-ўтлоқи тупроқлар эса бу кўрсаткичлар бўйича оралик ўринни эгаллайди.

4. Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида юритилаётган “ғўза-кузги буғдой” тизимида фақат минерал ўғитлар қўллаш тупроқда гумус ва азот захираларининг камайишига олиб келади. Бунда азот захираларининг камайиши унинг органик бирикмалари: асосан қийин гидролизланадиган ва қисман гидролизланмайдиган бирикмаларининг камайиши ҳисобига юз беради. Натижада осон гидролизланадиган ва минерал азот захиралари

кўпайиб, тупроқнинг экинларни азот билан таъминлаш қобилияти, яъни самарали унумдорлиги ошади. Аммо, тупроқнинг келажак ҳосиллар учун хизмат қилувчи потенциал унумдорлиги кўрсаткичларидан бири бўлган умумий азот миқдори камаяди.

5. Минерал ўғитлар билан бирга 5 т/га меъёрида гўнг қўллаш тупроқда гумус ва азот мувозанатининг дефицитли бўлишига барҳам бераолмайди. Лекин, тупроқда минерал ва осон гидролизланадиган азот захиралари янада юқорироқ бўлиб, қийин гидролизланадиган азотнинг дефицити қисқаради, гидролизланмайдиган азот захиралари эса қарийб ўзгармайди.

6. Гўнг минерал ўғитлар билан бирга 10 т/га меъёрида қўлланганда тупроқда гумус ва азот мувозанати дефицитсиз бўлади. Бу ҳолат асосан минерал ва осон гидролизланадиган азот захиралари кўпайиши ҳисобига юзага келади. Қийин гидролизланадиган ва гидролизланмайдиган азот захиралари эса фақат бироз кўпаяди. Гўнг минерал ўғитлар билан бирга 20 т/га меъёрида қўлланилганда тупроқда гумус ва азот ҳамда азотнинг барча фракциялари захираларининг ижобий мувозанатига эришилади.

7. Минерал ўғитлар билан бирга гўнг қўллаш экинлар томонидан озика элементларининг ўзлаштирилишига ижобий таъсир қилади ва уларни экинларнинг вегетатив ва генератив органларида тақсимланиши ҳамда улар орасидаги нисбатларнинг бузилишига олиб келмайди. Бунда, гўзанинг С– 6524 нави бир тонна пахта ҳосили етиштириш учун сарфлайдиган азот миқдори гўнг меъёрига боғлиқ равишда 49,2– 53,3 кг, фосфор миқдори 14,8– 16,7 кг, калий миқдори 44,8– 46,1 кг ни ташкил этади. Кузги буғдойнинг “Замин-1” нави бир тонна дон ҳосили етиштириш учун гўнг меъёрига боғлиқ равишда 34,1– 34,8 кг азот, 13,5– 14,3 кг фосфор ва 21,1– 22 кг калий сарфлайди.

8. Минерал ўғитлар билан бирга 10 т/га миқдорида гўнг қўлланилганда икки йиллик ўртача пахта ҳосили 37,7 ц/га. ни ташкил этиб, тўлиқ минерал ўғит берилганига нисбатан гектарига 4,2 центнер кўшимча пахта ҳосили олинган. Кузги буғдойнинг ушбу вариантдаги дон ҳосили 64,1 ц/га бўлиб, кўшимча дон ҳосили 7,9 ц/га. ни ташкил этган. Минерал ўғитлар билан бирга гўнг 5 т/га меъёрида қўлланилганда кўшимча пахта ҳосили гектарига 3,15 центнерни, гўнг меъёри 2,5 т/га бўлганда эса 2,2 центнерни ташкил этган. Кузги буғдой ҳосили ҳам бу вариантларда тегишлича 61,2 ва 59,4 ц/га. ни ташкил этиб, фақат минерал ўғитлар (NPK) қўлланилган вариантга нисбатан 5,0 ва 3,2 ц/га кўшимча дон ҳосили олишга эришилган.

9. Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида 2:1 тартибли “гўза-кузги буғдой” тизимида экинлардан юқори ҳосил олиш ҳамда тупроқда гумус ва азотнинг ижобий мувозанатига эришиш учун минерал ўғитлар (NPK) билан бирга гўнгни биринчи йил гўзага 10 т/га ва учинчи йил кузги буғдойга 10 т/га меъёрида, экинлар ҳосилдорлигини ошириш билан бирга тупроқда гумус ва азотнинг дефицитсиз мувозанатини таъминлаш учун минерал ўғитлар билан бирга гўнгни биринчи йил гўзага 5 т/га ва учинчи йил кузги буғдойга 5 т/га меъёрида табақалаштириб қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.QX/В.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И
АГРОХИМИИ**

НУРИДДИНОВА ХУРШИДА ТОШЕВНА

**АЗОТНЫЙ ФОНД ОСНОВНЫХ ПОЧВ БАССЕЙНА РЕКИ ЧИРЧИК И
ЕГО ИЗМЕНЕНИЯ ПОД ВЛИЯНИЕМ ЗЕМЛЕДЕЛИЯ**

06.01.04 – Агрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Qx14.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии.

Автореферат диссертация доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: (<http://www.soil.uz>) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Баиров Абдунаби Жураевич**
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Рискиева Хуршида Турсуновна**
доктор сельскохозяйственных наук

Атабаев Маъруф Махмудович
кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация: **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится “___” _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 по присуждению ученых степеней при научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии (Адрес: 100179, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.:(+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии. (Адрес: 100179, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (зарегистрирована за № __) Тел.:(+99871) 246-15-38.

Автореферат диссертации разослан “___” “___” 2018 г. года.
(реестр протокола рассылки № ___ от “___” _____ 2018 г.)

Р.К.Кузиев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

Н.Ю.Абдурахманов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

М.М.Ташкузиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировом сельском хозяйстве наблюдается систематический рост спроса на минеральные удобрения, достигнув в 2018 году 200,5 млн тонн и отмечается, что чрезмерное их применение может привести к ряду экологических проблем³.

В научных исследованиях ведущих учреждений и ученых мира, в области сельского хозяйства, основное внимание направлено на разработку способов и технологий применения минеральных удобрений в севооборотах, обеспечивающих эффективность и безопасность их использования. В решении этих проблем особое внимание уделяется изучению влияния минеральных удобрений на процессы внутри почвенного цикла азота, балансу гумуса и азота в почве и элементов питания растений в системе “почва-удобрение-растение”, эффективные результаты которых внедряются в производство.

В настоящее время в республике проводятся широкомасштабные мероприятия, направленные на повышение плодородия почв и урожайности культур. В результате, наряду с улучшением эколого-мелиоративного состояния почв, сохранения и повышения их плодородия обеспечивается повышение урожайности культур и качества урожая. Однако, недостаточно уделено внимание на изучение влияния минеральных и органических удобрений на внутрипочвенные циклы азота, играющих важное значение в питании растений, плодородии почв и предупреждении загрязнения окружающей среды соединениями азота.

В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах «...широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий»⁴ определена как важная стратегическая задача. Поэтому, разработка путей оптимального управления процессами внутри почвенного цикла азота, обеспечивающих повышения плодородия почв, урожайности культур и охраны окружающей среды от загрязнения, на основе определения изменений фракционного состава азота почв под влиянием применяемых в земледелии минеральных и органических удобрений является актуальной проблемой.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 03-12-7 от 26 декабря 2016 года “Комплексная программа мероприятий по развитию системы обеспечения сельского хозяйства минеральными удобрениями, средствами химической и

³www.fao.org/3/a-i4324e.pdf

⁴Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70

биологической защиты растений, улучшения качества агрохимического обслуживания на период 2017-2020 годы”, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: V “Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды”.

